



«МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

• • •

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Коррупцияга
қарши ички назорат бўлинмаси бошлиғи,
ю.ф.ф.д., С.Маманов





НХХ санаси ва рақами	НХХ номланиши
2008 йил 7 июль, ЎРҚ-158	➤ БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида
1997 йил 11 март, ВМҚ-133	➤ Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида (З-илова. Қариндош-уруғларнинг бирга ишлашларини чеклаш тўғрисидаги қоидалардан истисноларга йўл қўйилиши мумкин бўлган давлат корхоналари ходимларининг рўйхати)
2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419	➤ Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида
2019 йил 27 май, ПФ-5729	➤ Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
Техник жиҳатдан тартибга солиши агентлигининг 2019 йил 26 июль, 05-1052-сонли қарори	➤ O'zDSt ISO 37001:2019 (ISO 37001:2016, IDT) “Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари. Фойдаланиш бўйича талаблар ва қўлланма” стандарти
2020 йил 29 июнь, ПФ-6013	➤ Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
2021 йил 22 апрель, ЎРҚ-684	➤ Давлат харидлари тўғрисида
2021 йил 6 июль, ПФ-6257	➤ Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида
2021 йил 6 июль, ПҚ-5177	➤ Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
2021 йил 8 сентябрь, 3319 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган	➤ Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом
2022 йил 12 январь, ПҚ-81	➤ Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида
2022 йил 11 май, ПҚ-240	➤ Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизmlарини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида
2022 йил 8 август, ЎРҚ-788	➤ Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида
2022 йил 31 август, 3383 рақам билан давлат рўйхатдан ўтказилган	➤ Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти
2023 йил 27 ноябрь ПФ-200-сон	➤ Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида
2024 йил 5 июнь, ЎРҚ-931	➤ Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида (2024 йил 6 декабрда кучга киради)
2024 йил 5 июнь, ПҚ-210-сон	➤ Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида



Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Мақсади — манфаатлар тўқнашуви билан боғлик
муносабатларни тартибга солишдан иборат

Қонун 5 та боб, 33 та моддадан иборат
Кучга кириш санаси: 2024 йил 6 декабрь

1. Қонун тадбиқ этиладиган субъектлар доирасини белгилаб олиш

Амал қилиши — давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат муассасаларига, давлат унитар корхоналарига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз микдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан татбиқ этилади

Ушбу Қонуннинг амал қилиши

ўз устав фондида (устав капиталида) давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз микдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан

ўз устав фондида (устав капиталида) ушбу модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз микдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан фақат уларнинг давлат харидлари соҳасидаги муносабатларига татбиқ этилади



ПҚ-210 билан тасдиқланган Йўл харитасининг 4-банди:

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонун тадбиқ этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ рўйхатини шакллантириш (2024 йил июнь).

(Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк)

МАЗКУР ҚОНУН

69 та давлат
органларига

220 та
маҳаллий
давлат
хокимияти
органларига

26 мингдан ортиқ
давлат
муассасаларига

503 та давлат
унитар
корхонасига

23 та давлат
жамғармасига

153 та давлат
улуши 50
фоиздан
юқори
акциядорлик
жамиятлари

2000 дан ортиқ давлат улуши бўлган корпортив
буюртмачиларга давлат харидларидаги манфаатлар
тўқнашувини тартибга солишга қаратилган



Асосий тушунчалар

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими

- давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда ишлаётган бошқарув ходимлари;

манфаатлар тўқнашуви

- шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича маҳсус бўлинма

- давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички бўлинмалари (ва) ёки кадрлар бўлинмалари;

шахсий манфаатдорлик

- давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик;


яқин қариндошлар

- ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари



Манфаатлар тўқнашувига мисоллар

Ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви - шахсий манфаатлар бевосита ёки билвосита давлат ташкилоти манфаатларига зид бўлган вазият



Потенциал манфаатлар тўқнашуви -

Алоҳида ҳолатлар юзага келганда, ходимнинг **шахсий манфаатлари** давлат ташкилотининг манфаатларига зид бўлиши ва ушбу ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият.

Мисол

- ✓ Бозорбой «Х» давлат ташкилотида харидлар бўлими бошлиғи, Бозорбойнинг укаси **бевосита унинг қўл остида ишлайди**.
- ✓ Бозорбой ўз бўлимидағи ходимларни лавозимга кўтариш масаласини бир ўзи ҳал қилиш хуқуқига эга.
- ✓ Харидлар бўлимида бошқа ходимлар ҳам бор.
- ✓ Бозорбой ўз қариндошлари бўлган шахсларга фойда келтириши мумкин бўлган қарорлар қабул қилишда иштирок этади.

Мисол

- ✓ Бозорбой «Х» давлат ташкилотида харидлар бўлими бошлиғи, Бозорбойнинг синглиси «А» фирмада бош директор бўлиб ишлайди.
- ✓ Бозорбой синглиси «А» томонидан ташкил этилган тендерда иштирок этишни кўриб чиқмоқда.
- ✓ Бундай вазиятда Бозорбой масъулияти соҳасида «А» фирманинг конкурсда иштирок этишида **унинг холислигига таъсир қилиши мумкин бўлган шахсий манфаат мавжуд**.

Манфаатлар түқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солишда қуийдагиларнинг ваколатлари белгиланган





Ўзбекистон Республикаси КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда
махсус ваколатли давлат органи этиб
белгиланиб, маъмурий баённомаларни тузиш
ваколати берилмоқда



БУНДА

- давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўлинмалари ва кадрлар билан билан ишлаш бўлинмалари ички назоратни амалга оширади

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар

1

хизмат мавқеини суистеъмол қилиш орқали шахсий наф олишга;

2

манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этишга;

3

бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

4

тижорат ташкилотларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлишга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларининг ўн фоизигача эгалик қилиш ҳоллари мустасно (*давлат органларининг ходимига, давлат муассасаларининг ва давлат унитар корхоналарининг, ўз устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларининг раҳбарларига нисбатан татбиқ этилади*)

5

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ташкилотнинг назоратида бўлган тиҷорат ташкилотларининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ўзи ёки яқин қариндошлари эгалик қилишига, шунингдек ушбу ташкилотларнинг бошқарув органи аъзоси бўлишига, бундан бу фаолият қонунчиликка мувофиқ лавозим мажбуриятлари ҳисобланадиган ҳоллар мустасно.

6

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ўзига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишида ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишида вакил сифатида иштирок этишга, агар у қонунчиликка мувофиқ қонуний вакил бўлмаса;

7

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ташкилотнинг мол-мулкини сотиб олишда ёки ижарага олишда ўзи иштирок этишга, шунингдек ушбу савдоларда ўзига алоқадор шахсларнинг иштирок этишига ҳақли эмас.

Давлат органларининг ёки бошқа ашқилотларнинг ваколатлари

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар

- 1 Хабардор қилиш тизимини ташкил этиш
- 2 Белгиланган шаклдаги хабар бериш ҳужжатларини ўзининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш
- 3 Қабул қилинган қарорларни ўзгартириш ёки бекор қилиш чораларини кўриш
- 4 Битимларни ўзгартириш ёки бекор қилиш ёхуд бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топиш чораларини кўриш
- 5 Одоб-ахлоқ комиссияларининг ва махсус бўлинмаларнинг фаолиятини ташкил этиш
- 6 Ички идоравий тартибни белгилаш
- 7 Хизмат текшируви натижаларини коллегиал тартибда кўриб чиқиш чораларини кўриш
- 8 ўрнак бўлаётган ходимларни рағбатлантириш чораларини кўриш
- 9 Етказилган зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг тегишли давлат органига ёки бошқа ташкилотга бўлган ишончини тиклаш чораларини кўриш.

Одоб-ахлоқ комиссияси

Одоб-ахлоқ комиссияси ваколатлари:

- 1** ушбу Қонунда белгиланган талабларга давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими томонидан риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриш;
- 2** манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбар ходимлари томонидан кўрилаётган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш;
- 3** мавжуд манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳоллар устидан коллегиал назоратни амалга ошириш;
- 4** ушбу Қонунда белгиланган талабларнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимлари томонидан бузилишлари мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хизмат текшируви натижаларига кўра хulosса чиқариш;
- 5** манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар қилмаган, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этган ёхуд бундай ахборотни яширган ходимни жавобгарликка тортиш ҳақида давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбарига таклиф киритиш.

Махсус бўлинма

Махсус бўлинма ваколатлари::

- 1** Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш
- 2** Хизмат текширувини ўтказиш
- 3** Тушунтириш ишларини амалга ошириш
- 4** Декларацияларни ва хабарномани кўриб чиқиш натижаларига кўра одоб-ахлоқ комиссиясига таклифлар киритиш
- 5** Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида холоса бериш
- 6** Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларини таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш
- 7** Ҳар йилги ҳисоботларни тайёрлаш расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ ЎЗ ВАҚТИДА АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ


1

Ходимнинг ўзи манфаатлар түқнашувига дуч келганида хабарнома бериш



2

Ходим манфаатлар түқнашуви тўғрисида декларация тўлдириши



3

Ходимга алоқадор шахслар, ушбу ходим ишлаётган ташкилотга мурожаат қилганда декларация тўлдириш



Манфаатлар тўқнашувини тартибга солинганлигини текшириш ва назорат қилиш

Йиллик декларация (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви)

- Ҳар йили 15 январга қадар тўлдирилади.
- Ҳар йили 15 февралга қадар умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.
- Ҳар йили 1 марта қадар аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан одоб-ахлоқ комиссиясига таклиф киритилади.
- Одоб-ахлоқ комиссияси кўрилган чора етарлилиги ёки бошқа чора кўриш юзасидан **хulosा қабул қиласи**.

Хабарнома (мавжуд манфаатлар)

- Ходимлар бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиш вазиятига дуч келганда бевосита раҳбарига (**ташкилот раҳбарлари** – коррупцияга қарши ички назорат бўлимига) **хабарнома** берилади.
 - Тартибга солиш юзасидан қабул қилинган қарорни **одоб-ахлоқ комиссиясига** уч кун ичидаги тақдим этилади.
 - Одоб-ахлоқ комиссияси кўрилган чора етарлилиги ёки бошқа чора кўриш юзасидан **хulosा қабул қиласи**.

Алоқадор шахсларнинг декларацияси (манфаатлар тўқнашуви)

- Алоқадор шахслар ташкилотга мурожаат қилганида декларацияда ходим тўғрисида маълумотни кўрсатиб ўтади
 - Ташкилотнинг **маҳсус бўлинмаси** манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чоралари юзасидан одоб-ахлоқ комиссиясига киритади.
 - Одоб-ахлоқ комиссияси кўрилган чора етарлилиги ёки бошқа чора кўриш юзасидан **хulosা қабул қиласи**.

ТАРТИБА СОЛИШ БҮЙИЧА ЧОРАЛАР

КОЛЛЕГИАЛ ОРГАНДА ЎЗИГА ЁКИ
ЯҚИН ҚАРИНДОШИГА ТААЛЛУҚЛИ
МАСАЛА КҮРИБ ЧИҚИЛАЁТГАН
БҮЛСА

- ИХТИЁРИЙ РАВИШДА **ЁКИ**
МАЖБУРАН ЧЕТЛАШТИРИШ чораси
күрилиши кераклиги белгиланмоқда



ХОДИМНИНГ ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИГАН
ТАШКИЛОТДА ЯҚИН ҚАРИНДОШИ ИШЛАСА

- назоратни чеклашга оид чораларни
күриш лозим

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик учун жавобгарлик

Ўзбекистон
Республикасининг
Маъмурий
жавобгарлик
тўғрисидаги
кодекснинг
193⁴-моддасига
асосан



Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси ёки ходими томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳақида хабар бермаслик, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (1,7 млн сўмгача).

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (3,4 млн сўмгача).

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахсига маълум бўлиб қолган, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда мазарда тутилган мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартиба солиш юзасидан чоралар кўрмаслик, -


базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (3,4 млн сўмгача).

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (5,1 млн сўмгача).

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар давлат харидлари соҳасида содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (10,2 млн сўмгача).



Агарда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қарор қабул қилинган ёки битим тузилган тақдирда **суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади**, олинган фойда эса давлат даромадига ўтказилади

ҚОНУН КУЧГА КИРГУНИГА ҚАДАР МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ



Узбекистон Республикаси
КОРРУПЦИЯГА КАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

2023 йил давомида давлат органлари томонидан **давлат харидларини** амалга ошириш ва **давлат мулкини хусусийлаштириш** жараёнида манфаатлар түқнашувига йул кўйганлик ҳолатларини аниклаш;

Масъуллар: [Хисоб палатаси, Бош прокуратура](#)

Муддат: **2024 йил июль**

Давлат органларида **“E-anticor.uz” платформаси** орқали 2023 йил бўйича манфаатлар түқнашуви билан боғлик, маълумотларни таҳлил қилиш;

Масъуллар: [Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари](#)

Муддат: **2024 йил июль**

Давлат органларининг **ахборот тизимлари, савдо платформалари** ва бошқа дастурий таъминотлари **“Манфаатлар тукнашуви тўғрисида”ги Қонун** талабларига мувофиқлигини ўрганиш, уларни такомиллаштириш.

Масъуллар: [Рақамли технологиялар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги](#)

Муддат: **2024 йил октябрь**

“E-anticor.uz” платформасида қуйидаги имкониятларни яратиш: халқаро ва бошқа расмий тадбирларда давлат фуқаролик хизматчилари қабул қилган **совғалар тўғрисидаги электрон реестрни** юритиш; манфаатлар түқнашуви ҳолатлари бўйича **статистик маълумотларни** шакллантириш.

Масъуллар: [Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги](#)

Муддат: **2024 йил декабрь**

ҚОНУН КУЧГА КИРГАНДАН КЕЙИН:



Узбекистон Республикаси
КОРРУПЦИЯГА КАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ



“E-anticor.uz” платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни **аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш** имкониятини берувчи электрон модул ишга туширилади.

Натижада “E-anticor.uz” электрон платформасида қуидаги имкониятлар яратилади:

К

- (в) давлат органлари томонидан **сўров орқали манфаатлар тўқнашуви юзасидан зарурӣ маълумотлар** олиш;
- о манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўйилган ҳолатларни **мониторинг қилиб бориш ва тегишли чоралар кўриш**;
- о манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича **статистик маълумотларни** шакллантириш;
- (8) манфаатлар тўқнашувини хисобга олиш **реестри**, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги **хабарнома** ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги **декларацияни** электрон тўлдириш;
- халқаро ва бошқа расмий тадбирларда давлат фуқаролик хизматчилари қабул қилган **совгалар тўғрисидаги электрон реестр** юритиш.

ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ҚУЙИДАГИ З ТА ХАЛҚАРО ИНДЕКСДА ЎЗБЕКИСТОН ПОЗИЦИЯСИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТАДИ



Жаҳон банкининг
“Бошқарув сифати
индиқаторлари”

“The Economist
Intelligence Unit”нинг
“Демократия
индекси”

“Transparency
International”
ташкилотининг
“Коррупцияни қабул
қилиш индекси”

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ТУРЛАРИ (ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KORRUPSIYAGA QARSHI
KURASHISH AGENTLIGI

пантуфляж (фран. шиппакни алмаштириш) – давлат хизматчиси давлат секторидан кетиб, хусусий секторга ишга жойлашиши

шахсни аждодлари (аслзодалик/ оиланинг шон-шуҳрати ва унинг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши) ва бундай шахснинг яқин қариндошлари давлат ташкилотида ваколатта эга бўлган мансабдорлигига кўра ишга қабул қилиш, ротация, лавозимга тайинлаш.

яқин қариндошларига ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимият ва (ёки) таъсирдан фойдаланиш, шу жумладан, яқин қариндошларга ва (ёки) дўстларга асоссиз мукофот пуллари ҳисоблаб чиқариш, давлат ташкилотининг манбаатларига зид ҳолда яқин қариндошларни ишга олиш ва лавозимга тайинлаш

шафоат қилиш, ходимни унга қулай меҳнат шароитларини яратиш шаклида лавозими юқори бўлган бошқа ходим томонидан ҳимоя қилиниши

Манбаатлар тўқнашувининг турлари

8
Пантуфляж

7
Кронизм

1
Маҳаллийчилик

6
Лоббизм

2
Непотизм
(қариндошлий)

5
Кланчилик

3
Ҳомийлик

4
Фаворитизм
(раҳнамолик)

таниш биличилик, гуруҳбозлик, яъни лавозимларни танишбилишчилик асосида дўстларга бериш

Лоббизм (коридор) - расмий вакиллар билан норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар устунлик қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури

ходимнинг умумий аждодга эга бўлган маълум бир келиб чиқишига (аждод) мансублиги асосида учинчи шахсларга субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат кўринишидаги шахсий манбаати

давлат ташкилотининг ходими бошқа шахс ва/ёки бир гуруҳ шахсларнинг манбаатларига нисбатан бир шахс ва/ёки бир гуруҳ шахсларнинг манбаатларини устун қўядиган вазият
Масалан: давлат ташкилотидаги кадрлар, рағбатлантириш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига топшириш, таътиллар бериш ёки санаторийларга ва чет элга хизмат сафарларига юбориш, аризаларни кўриб чиқиш тартибини, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини белгилаш ва х.к.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ